

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

2018 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги
ихтисосликлар бўйича
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА: (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” – 2 ўрин

08.00.13 – “Менежмент” – 2 ўрин

12.00.02 – “Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона
ҳуқуқи” – 2 ўрин

23.00.03 – “Сиёсий маданият ва мафкура” – 1 ўрин

Таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:
магистр даражасига ёхуд олий маълумот тўғрисидаги диплом
(мутахассислик дастурлари бўйича)га эга булганлар;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация
тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу
жумладан илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда
тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар
тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

ариза;

қисқача биографик маълумотнома (объективка);

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
(ишлаётган талабгорлар учун);

олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот
(мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиблари
тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет
тили бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

ДОКТОРАНТУРА: (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” – 1 ўрин

Докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган
хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришган, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлганлар.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

ариза;

қисқача биографик маълумотнома (объективка);

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари.

Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК:

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

08.00.13 – “Менежмент”

12.00.02 – “Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи”

23.00.03 – “Сиёсий маданият ва мафкура”

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка куйидагилар расмийлаштирилади:

магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;

белгиланган илмий мақолаларга эга бўлганлар;

камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажи ёки муайян илмий ютуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари)га эга бўлганлар.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабларга мувофиқ илмий даража олгандан сўнг салмокли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

ариза;

қисқача биографик маълумотнома (объективка);

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;

иш жойидан тавсифнома.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосаси бўйича амалга оширилади.

***Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари жорирй йилнинг 1-25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.***

Манзил: Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 232-60-67, 232-61-47.

Электрон манзил: m.m.abdujamilova@mail.ru